

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2020/2021 Ўқув йилида ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШNING ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ёшларнинг олий таълим билан қамраб олинишини янада кенгайтириш, олий таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш, карантин шароитида олий таълим муассасаларига абитурientларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва кириш имтиҳонларини лозим даражада ўтказиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Белгилансинки:

а) 2020/2021 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилишда:

абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш **жорий йилнинг 20 июнидан 20 июлига қадар (20 июль куни ҳам)** бўлган муддатда Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси томонидан белгиланган ҳудудларда — **Давлат хизматлари марказлари орқали**, барча ҳудудларда — **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Давлат тест марказининг** (кейинги ўринларда — Давлат тест маркази) **расмий веб-сайти** орқали амалга оширилади;

кириш тест синовлари абитурient танлаган бакалаврият таълим йўналишига **мос иксити фандан ўтказилади**;

абитуриентларга тест синови топширилаётган **фанлар мажмуаси ҳамда фанлар кетма-кетлиги бир хил бўлган бештагача бакалаврият таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш** ҳуқуқи берилади;

б) 2020/2021 ўқув йили қабулидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тавсияномасига ага бўлган **хотин-қизлар учун бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўлган** умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча **тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари ажратилади**;

(Давоми 2-бетда).

Парламент ҳаёти

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида 13-14 июнь кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.

Дастлаб Қарши туманидаги Қовчин маҳалласи ҳудудида жойлашган Абу Муин ан-Насафий зиёратгоҳида Қуръон тиловат қилинди.

Маълумки, Абу Муин ан-Насафий Абу Мансур Мотуридий (870 — 945) таълимоти ва ханфай мазҳабининг батафсил шарҳлари кенг ёйилишига катта ҳисса қўшган. Унинг ислом дини софлигини сақлаш йўлидаги хизматлари диққатга сазовор.

Жумладан, ўша вақтда чиққан шиалар, мўътазилия, ҳажмия, қарромия, ботилийя каби оқимларнинг носоғлом фикрларига, ислом динининг турли оқимларга бўлинишига қарши курашган, уларга ишончли ҳужжатлар билан кескин раддиялар берган. Шу сабабли айрим олимлар Абу Муин ан-

Насафийни “Ихтилофларга интиҳо қўйган аллома” сифатида эътироф этади. Маъжмӯа Президентимиз ташаббуси ва топшириғига асосан бунёд этилиб, аллома макбараси тубдан таъмирланди, мажмуа негизига 500 ўринли масжид, кутубхона, музей, маъмурий бино, таҳоратхона, чойхона қуриб битказилди. Ушбу мажмуа атрофидаги 70 гектар майдонда обodonлаштириш ишлари олиб бoрилиб, туризмини ривожлантиришга катта эътибор берилляпти. Хусусан, қадимий хунармандчилик анъаналари ва улар асосида яратилган миллий махсулотларга сайёҳлар эътиборини қаратиш мақсадида шу ернинг ўзига хунармандчилик кластери ташкил қилинмоқда.

Олий Мажлис Сенати ялпи мажлиси олдидан

Мухим тармоқ раvнақ топади

Хабарингиз бор, жорий йил 19 июнь кунли Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтади ва унда бир нечта қонун ҳужжатлари ҳамда бошқа қатор долзарб масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган. Хусусан, “Овчилик ва ов ҳўжалиги тўғрисида”ги қонун ана шулардан бири.

Бугунги кунда овчилик тармоғи давлат газнасига солиқлар, йиғимлар, лицензия ва хизматлар учун тўловлар шаклида салмоқли даромад келтирувчи соҳа ҳисобланади. Туризмнинг айрим йўналишларини ривожлантиришда ҳам унинг ўрни катта. Шу жиҳатдан ов-

чилик ҳўжаликларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, уларнинг ривожланиш негизи ҳисобланган табиий ресурсларни муҳофаза этиш ва қўллайтириш масалалари долзарб аҳамиятга эга.

ДУНЁНИГОҲИ

«ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИҚТИСОДИЁТИ ЭНГ ЖАДАЛ ЎСАЁТГАН МАМЛАКАТ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА»

Ўзбекистон Жаҳон банки томонидан яқинда эълон қилинган маърузада Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар ичида иқтисодиёти ўсишда давом этаётган давлат сифатида эътироф қилинди.

Нуфузли халқаро институт томонидан берилган бундай баҳо хорик оммавий ахборот воситалари ва экспертлар ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди.

Хусусан, “Emerging Europe” ахборот-таҳлилий порталида (Буюк Британия) Жаҳон банки мутахассисларининг баҳосидан келиб чиққан ҳолда, дунё иқтисодиёти 2020 йилда рекорд даражада — 5,2 фоиз пасайиши ҳақида ахборот тарқатилди. Шарқий Европа ва Марказий Осиёда умумий иқтисодий пасайиш кўрсаткичи 4,7 фоизни ташкил қилади. Қайд этилганидек, COVID-19 пандемияси хом ашё маҳсулотлари нархининг тушиб кетиши, глобал ва минтақавий киймат “занжири”да узиллишлар пайдо бўлишига олиб келгани минтақа мамлакатларига салбий таъсир кўрсатди. Коронавирус тарқалишининг кенгайиши ички талабнинг қисқаришини кучайтирди, таъминотдаги узиллишларни чуқурлаштирди ва иқтисодий фаолиятнинг катта қисми тўхташига олиб келди.

“The Diplomat” журналида (АҚШ) валюталарнинг нисбий заифлиги қарз харажатлари ошишига ва экспортнинг кескин пасайиши тўловлар балансидаги зўриқиш қучайишига олиб келаётгани таъкидланади. Инқирозга жавобан, минтақадаги қўллаб мамлакатларнинг марказий банклари пул-кредит тизимини қўллаб-қувватламоқда, ҳукуматлар ўз мамлакатларининг валюталарини барқарорлаштириш ва ўзгарувчанликни камайтириш мақсадида валюта бозорларига кириб бораётди. Давлатлар мавжуд захира-лардан фойдаланишга мажбур бўлиб, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва молиявий бозордаги таназзулларни бартараф этиш учун катта маблағ сарфламоқда. “Коронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатида хусусий истеъмол ва сармоёлар тўхтади, натижада

Марказий Осиёда иқтисодий фаоллик 2020 йилда 1,7 фоиз пасаяди”, деб ёзилади “The Diplomat”да.

Мавзуни давом эттирар экан, “Trend” ахборот агентлиги (Озарбайжон) вакили мавжуд шароитда минтақа мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистон салбий иқтисодий сценарий билан тўқнаш келмайди, республика иқтисодиёти пасаймайди, балки ўсиш кўрсаткичларини намойён этади, деб баҳолайди.

“Замонавий Ўзбекистон иқтисодиёти, — деб ёзади агентлик муҳбири Жаҳон банки мутахассисларининг фикрига таянган ҳолда, — савдо-сотик ва молия оқимлари учун очиклиги билан характерланмоқда. Бу, ўз навбатида, глобал кескинликларга, заифликка олиб келиши мумкин, аммо республика бунинг олдини олишнинг уddасидан чиқди”.

Халқаро мутахассислар мамлакатимизга берилган ижобий баҳонинг сабаблари ҳақида фикр юритар экан, **иқтисодиёт фанлари доктори, Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Молия университети проректори Алексей Зубец** шундай деди:

— Ўзбекистон Марказий Осиёда иқтисодиёти энг жадал ўсаётган мамлакат бўлиб қолаётди. Зеро, мамлакатда ҳокимиятга келган янги шахслар жиддий ва салмоқли иқтисодий ислохотларни амалга оширмоқдалар. Шу жумладан, хорихий инвестициялар жалб қилинмоқда, республика ташки дунёга очилиб, халқаро алоқалар кенгаймоқда.

Ислохотлар сиёсатининг бошланиши ва ортиқча тартибга солуви механизмларнинг бартараф этилиши натижаси ўлароқ, экспортнинг фикрича, Ўзбекистонда тезкор иқтисодий ўсиш таъминланаётди. Ушбу жараёнда нафақат хорихий сармоёлар, балки ички ресурслар имкониятларидан кенг фойдаланилаётди. Хусусан, мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш, кичик ва ўрта бизнесни



Хасан ПАЙДОВ олдот. Сурот.

ривожлантиришга хизмат қилувчи тегишли либерал институтларни яратиш ниятда муҳим чора-тадбирлар бўлди.

Яна бир россиялик мутахассис, **Олий иқтисодиёт мактаби миллий тадқиқот университети профессори Алексей Маслов**нинг таъкидлашича, Ўзбекистонда давлат томонидан ихтисослаштирилган янги иш ўринларининг яратилиши иқтисодиётдаги эҳтимоллий кескинликларнинг олдини олишга кўмаклашмоқда.

Дунё амалиётига таянган ҳолда мутахассис шуни тушунтирадики, кўп ҳолларда ма-

лакасиз, саноат объектларида ишлайдиган фуқаролар ишсиз қолади. Уларни қайта тайёрлаш ва янги касб ўрганишлари учун имконият яратиш бу борада алоҳида аҳамият касб этаётди. Шу билан бирга, кенг қўламли лойиҳаларнинг амалга оширилиши — электр станциялари ва йўллар қуриш, йирик ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ҳам иқтисодиёт реал секторини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Анвор МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТЛАШТИРИШ СИЁСАТИ

глобал инқироз шароитида қандай амалга оширилмоқда?

АҚШнинг Алабама штатида жойлашган Энтерпрайз шаҳрида узун бурунли пахта қўнғизи шарафига ўрнатилган антика ёдгорлик мавжуд. Ажабланманг! Ҳа, айнан қўнғиз шарафига тикланган ҳайкал! Мана, 100 йилдирик, у маҳаллий аҳолининг шукроналик рамзи сифатида қадрлаб келинади.

Таҳлил ва таққос

Аслида бу воқеанинг тарихи қизик. XIX асрда Алабама штатида пахта етиштириш маҳаллий фермерларнинг асосий даромад манбаи бўлган. Бироқ ўша аср охирида штат худудига Мексика томонлардан узун бурунли қўнғиз — пахта зараркунандаси ёпирилиб киради. Фермерлар танг ахволда қолишади. Бу ҳаши-ротта қарши курашишда турли кимёвий воситалар ҳам

кор қилмайди. Ҳар қандай уринишлар бесамар кетаверади. Шу тариқа XX аср бошларида пахта етиштирувчи фермерлар инқироз ёқасига келиб қолади.

Ана шундай мураккаб вазиятда маҳаллий ер эгаларидан бири банкирлар тавсиясига амал қилиб, пахта майдонлари ўрнига ерёнқоқ экади. Қарангки, бу катта таваккалчилик ўзини оқлайди. Фермер шу йилнинг ўзида

ерёнқоқдан 8000 бушел (1 бушел тахминан 38,671 килограмм) ҳосил олади. Бунинг ҳисобидан мулкдор қарзларидан қутулибгина қолмай, мўмай даромад ҳам кўради. Шу-шу, бошқа фермерлар ҳам пахта ўрнига оммавий равишда ерёнқоқ эка бошлайдилар. Натижада ер эгаларининг бойлигига бойлик қўшилверади. Кейинчалик худуд иқлим шароитига мос бошқа экинлар экиш ҳам оммалашади.

Омилкорлик ортидан “қосаси оқараётган” маҳаллий фермерлар узун бурунли пахта қўнғизига миннатдорлик рамзи сифатида 1919 йилда Энтерпрайз шаҳрида монумент ўрнатадилар.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ УЧУН ЖИДДИЙ СИНОВ ДАВРИ



